O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 10 ноябрь, № 220 (4119) • Жума

2006 Uzbekistan AGROMINITECH EXPO 2006

"Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси муваффақиятли якунланмоқда. Бу ерда дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 та компания маҳсулотлари намойиш этилди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ – БЕБАҲО МУЛК

Мазкур кўргазма-савдода қатнашиш, павильонларга қўйилган замонавий техника ва технологиялар имконияти билан яқиндан танишиш мақсадида шу кунгача вилоятларимиздан 4 минг нафардан ортиқ фермер ташриф буюрди. Улар 5,5 мингга яқин шартномалар ва келишув баённомалари имзолашди. Эътиборли жиҳати шундаки, 250 дан зиёд фермер хўжаликлари ўзларига маъқул келган ускуналарни ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш учун хорижий компаниялар билан шартнома имзоладилар. Бу юртимиз қишлоқ хўжалиги мулкдорларининг эгалик ҳуқуқидан оқилона фойдаланиб, иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб бораётганликларининг ёрқин бир далилидир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирга қадар тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 160 миллиард 462 миллион сўмдан ошиб кетди.

Тадбирга бўлган қизиқишнинг юқорилиги бежизга эмас. Чунки жаҳон аграр иқтисодиётида нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни қайта ишлашдан тортиб, чиройли қадоқлаган ҳолда харидор қўлига етказиш бўйича ҳам катта тажриба тўпланган. Бунда деҳқон меҳнати ҳақини бир сўмдан ўн сўмгача кўтаришда ўрганса бўладиган жиҳатлар кўп. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ер соҳибларининг кўргазма-савдо орқали дунё билан яқиндан танишиш, замонавий технологияларни ўзлаштиришга бўлган интилишлари алоҳида эътирофга сазовор.

Кўргазма-савдонинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, хориждан келтирилган барча жиҳозлар божхона тўлови, қўшимча қиймат солиғи ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларга кетадиган сарф-харажатлардан озод этилди. Шунингдек, тадбир билан танишиш, хорижий компаниялар билан шартнома тузиш мақсадида вилоятлардан келаётган фермерлар, агрофирма раҳбарларининг транспорт, меҳмонхона, маданий ҳордиқ олишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва тижорат банклари уларнинг мушкулини енгил қилмоқда.

Яна бир аҳамиятли томони, кўргазма-савдодан техника ва технология сотиб олиш истагида бўлган фермерлар учун шу ернинг ўзида барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Шу ернинг ўзида нуфузли лизинг компаниялари, тижорат банклари фермерларга зарур йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериб, керакли ҳужжатларни жойида расмийлаштириб бериш учун ҳозир бўлдилар.

Хуллас, фермерлар ўзлари учун яратиб берилган бундай қулайлик учун . Юртбошимизга, ҳукуматимизга алоҳида миннатдорлик билдиришмоқда. Ушбу ғамхўрликка юксак меҳнат натижалари билан жавоб қайтаришларини изҳор қилишмоқда.

Соҳибжон ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Япония Бош вазири лавозимига сайланганим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари менга йўллаган самимий табригингиз учун Сизга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган собиқ Бош вазир Жунъичиро Коидзуми билан Сиз, Жаноби Олийлари ўртасида икки томонлама муносабатлар ва халқаро вазиятга оид кенг кўламли масалалар бўйича сермазмун мулоқот бўлиб ўтганидан яхши хабардорман.

Сиз, Жаноби Олийлари билан, жумладан, жаноб Ж.Коидзумининг мамлакатингизга ташрифи янги босқичга кўтарган Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва бу минтақанинг янада равнақ топиши учун "Марказий Осиё+Япония" мулоқоти доирасида фаол ҳамкорлик қилиш ниятидаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз.

Эҳтиром билан,

Синдзо АБЭ,
Япония Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси 2007 йилги Давлат бюджетининг биринчи ўқишда муҳокама қилиш мобайнида депутатлар томонидан билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Р. Азимов Қонунчилик палатаси муҳокамасига тақдим этди. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг лойиҳаси иккинчи ўқишда батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Мамлакатимизнинг келгуси йилги Давлат бюджети саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жўшқин ва барқарор ривожлантиришга, истеъмол товарлари ҳажмларини оширишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мувозанатини кучайтиришга, хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга, инфляция даражасини пасайтиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз 2007 йилги Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги анча кучайди. Унда муҳим ижтимоий муаммоларни, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қаратиладиган давлат харажатлари улуши ошди. Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжати лойиҳасида янги иш ўринларини барпо этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш, бошқа ижтимоий харажатларни ўз вақтида тўлиқ молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Муҳокама пайтида депутатлар томонидан билдирилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини қабул қилди, мазкур ҳужжат кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув захиралари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси раиси Б.Тешабоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни, хусусан, энергетика соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар урушидан сўнг иқтисодиётни тиклаш, аҳолини иш билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Афғонистон халқаро ҳамжамият, хусусан, Ўзбекистон кўмагига таянмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Афғонистонни электр энергияси билан таъминлаш қувватини янада ошириш имкониятига эга.

Афғонистон электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш учун мазкур соҳада қатор лойиҳаларни амалга ошириши талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Афғонистонда ҳозир Қобул-Ҳайратон йўналишида 400 километрлик ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳани 2008 йилгача амалга ошириш мўлжалланган. Делегация раҳбари Афғонистон ушбу масала бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА)

Ғаллачилик

Куз — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида келгуси йил ҳосили учун пухта пойдевор яратишнинг муҳим палласи ҳисобланади. Айниқса, ғаллакорлар бу фаслнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, астойдил меҳнат қиладилар. Чунки кўпни кўрган уста деҳқонларнинг ҳаётий тажрибаларидан маълумки, дон экиш ишларини барвақт якунига етказиш эртаги ва мўл ҳосил олишнинг гаровидир.

Мўл ҳосилга замин яратилмоқда

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга қараганда, 2007 йил ғалла ҳосили учун юртимиз бўйича жами 1 миллион 83 минг гектар сувли, 203 минг гектар лалми ерга уруғлик сепиш режалаштирилган. Мавсумга 6 мингдан зиёд экиш техникаси жалб этилган бўлиб, улар ёрдамида ҳозиргача суғориладиган майдонларда ана шу муҳим тадбир сифатли қилиб адо этилди. Асосий майдонларга "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки" ҳамда "Краснодар-99" сингари маҳаллий иқлимга мос ва амалиётда синалган навлар экилди. Деҳқонларимизнинг ўғитлаш, суғориш каби муҳим агротехника тадбирларига қатъий амал қилиб иш тутганлари боис, бугунгача умумий майдоннинг 75 фоизидан кўпроғида буғдой майсалари бир текис униб чиқди.

— Жорий йилда биргина ғаллачиликнинг ўзидан 5 миллион сўмдан зиёд соф даромад олдик, — дейди Оққўрғон туманидаги "Қулли Қўтон" фермер хўжалиги раҳбари Райимжон Раҳимов. — Шунинг эвазига хўжалигимизда манфаатдорлик ошди. Аъзоларимизнинг ишга бўлган муносабати ўзгарди.

Келгуси йил ҳосили учун 8 гектар ерга уруғлик сепдик. Парвариш оби-тобида олиб борилаётгани туфайли экин ривожи кўнгилдагидек. Насиб қилса, ўртача ҳосилдорлик 75 центнердан ошади. Бу даромадимиз янада кўпаяди, деганидир.

Шу кунларда Жиззах, Навоий, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида лалми ерларга ҳам уруғлик буғдой сепиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, ноябрь ойининг биринчи ярмидаёқ бундай майдонларга ҳам тўлиқ уруғлик қадалади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: оққўрғонлик фермерлар Ўринбой Тожибоев, Нусрат Мирзаев ва Райимжон Раҳимов ғалла майсалари ривожидан мамнун; ғаллазорга сув таралмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Ҳамкорликдаги фаолият таҳлили

Ёшларни касбга йўналтириш, уларни маҳоратли мутахассис этиб тарбиялаш таълим тизими зиммасига қўйилаётган долзарб вазифадир. Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси ҳам ана шу йўналишга дахлдордир.

Анжуман

Икки ярим йил бўлдики, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази қошида фаолият кўрсатган ушбу Лойиҳа Данияннинг Архусс техник коллежи негизида иш олиб бормоқда. Юртимиздаги 8 та коллежни ўз тасарруфига олган лойиҳада қурилиш, енгил саноат, маиший хизмат ва автотранспорт йўналишларига эътибор қаратилди.

Кеча пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасининг мажлислар залида мазкур лойиҳа фаолиятининг якунланиши муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар ходимлари ҳамда лойиҳа билан ҳамкорлик қилган коллеж мутасаддилари қатнашган анжуманни олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази директори Алишер Каримов бошқарди.

Таъкидландики, Лойиҳа фаолияти давомида доимий семинарлар ташкил қилинди. Амалий семинарларда лойиҳанинг раҳбари П. Ливерани, хориж экспертлари Жон Эвенс, Тим Мартенсен, Х. Вегги, маҳаллий экспертлар Ш. Рашидов, Г. Манобекова, Марказнинг Ривожлантириш институти бўлим бошлиғи Б. Нуриддиновлар раҳбарлик қилдилар. Бундай учрашувларда лойиҳа мақсадлари, кадрлар тайёрлашга доир янгича ёндашувлар, таълим беришнинг илғор усуллари жамоага ўргатилди. Ишчи гуруҳи тузилиб, улар лойиҳа мақсадларини амалга оширишда етакчилик қилдилар. Лойиҳанинг асоси бўлган Васийлик кенгаши ўрганилди. Васийлик кенгаши коллежда малакали мутахассислар тайёрлашда барча ҳамкорларни бирлаштирувчи ҳомий эканлиги иш берувчи ташкилотларга тушунтирилди.

Анжуманда сўзга чиққан Архусс техника коллежи директори Н. Хорстед, Лойиҳа раҳбари П. Ливерани ва бошқалар ҳамкорликда олиб борилган ишлар хусусида батафсил тўхталдилар.

Тадбир қатнашчиларига Лойиҳа фаолиятига доир кўргазма ҳамда видео лавҳалар тақдим этилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Ҳикмат

«Мустаҳкам иймонга таянган қудрат буюк бўладур».

Соҳибқирон Амир ТЕМУР.

«Эзгу фикр» телефони эшитади



Газетхонлар фикри билан 2-бетда танишинг

Дунё нигоҳи

Рэй БАТЛЕР,
Буюк Британиядаги «Cotton Outlook» журнали ижрочи директори:

— Журналимиз дунёнинг турли мамлакатларида етиштириладиган пахта толаси мониторингини олиб боради. Мониторинг натижаларига кўра, ўзбек пахтасининг сифати юқорилиги туфайли унга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

Парламент назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг Товар-хомашё биржаси ҳамда Фарғона вилоятида қандай ижро этилганлигини ўрганиб чиқишди. Мазкур масала долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда айтиш жоизки, рақобат муҳитини шакллантириш жараёнида моддий-техника ресурсларнинг марказлаштирилган тақсимотидан воз кечилди. Эндиликда бозор механизмларига асосланган биржа савдоларини жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё, Ўзбекистон агросаноат, Кўчмас мулк биржалари каби 7 та биржа хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур биржалар фаолияти эса 1992 йилда қабул қилинган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 апрелдаги "Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори асосида амалга оширилмоқда.

Биржа савдоси:

ИШ ФАҚАТ МАРКАЗДАМИ?

Ўрганиш жараёнида аниқланганидек, республикамиздаги 184 та туманнинг 101 тасида 218 та савдо майдончаси ташкил этилган бўлиб, улардаги 345 та брокерлик идораларида 740 дан кўпроқ брокер ҳамда трейдерлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур савдо майдончаларининг ягона электрон савдо тизимига уланганлиги моддий-техника ресурсларини биржа механизмлари орқали сотиш ва сотиб олишга имкониятлар яратмоқда. Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда фермер хўжаликларига қулайлик яратади. Шунингдек, Республика товар-хомашё биржаси савдо айланмасининг тез суръатларда ошиб боришига биржа савдоларига чиқарилаётган юқори ликвидли маҳсулотлар эвазига эришилмоқда. Масалан, 2003 йилда биржа савдо айланмасида юқори ликвидли маҳсулотлар улуши 21,7 фоизни, 2004 йилда 75 фоизни, 2005 йилда эса 82 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 86,2 фоизга етди.

Мазкур биржа ҳамда унинг Фарғона вилояти филиали ва савдо майдончалари фаолиятини ўрганиш жараёнида соҳада ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида "Биржа — юридик шахс бўлиб, олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратади" деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги "Товар-хомашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ташкил этилаётган савдо майдончалари тадбиркорларга ва истеъмолчи-корхоналарга қулай шароит яратиш, вақтини тежаш, турли оворагарчиликлардан халос этишга қаратилган. Шунга қарамай республиканинг 83 та туманида савдо майдончалари ташкил этилмаган. Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида эса бу иш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Фарғона вилоятининг 4 та шаҳар ва 10 та туманида савдо майдончалари ташкил этилмаган. Бундай ҳолатлар жойларда тадбиркорлик субъектларининг тўлақонли фаолият юритишлари учун зарур бўлган хомашёларни сотиб олиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни биржа савдоларига чиқаришда муаммолар туғдирмоқда, уларнинг иш ва молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ эса "Биржалар ёки уларнинг аъзолари томонидан биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органлар аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги талаб билан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга ҳақлидир" деб кўрсатилган. Бироқ ваколатли орган — Давлат мулки қўмитаси 2004-2005 йилларда Республика товар-хомашё биржасига тааллуқли бирорта ҳам кўрсатма киритмаган. Давлат мулк қўмитаси ушбу бўшлиқни тўлдириш ва Қонун талаблари ижросини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрмаган.

Республикамиз Президенти 2005 йил 10 мартда "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги Қарорни имзолаган эди. Ушбу қарорнинг 6-иловаси 4.1 бандида тегишли мутасадди идораларга "2005 йилнинг II-III чораклари Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси филиалларини мамлакатимизнинг барча туман марказларида ташкил этиш вазифаси юклатилган. Бироқ шу кунга қадар туман марказларида биржа филиалларини ташкил этишга киришилмаган. Бундан ташқари, мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирокида хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, кичик ва хусусий бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни биржа, кўргазма ва ким ошди савдоларига чиқариш етарли даражада таъминланмаяпти. Расмий биржа листинги ёки Фарғона вилояти тадбиркорлари томонидан кўргазма-ярмарка савдолари, ягона электрон тизимига киритилган маълумотлар ҳамда тегишли савдо натижалари бунга мисол бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет элга сотиш амалиёти муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда фақатгина 6 та хорижий давлатда 9 тагина савдо майдончаси ташкил этилган, холос.

Назорат-таҳлил давомида Фарғона вилояти тадбиркорлари орасида биржа фаолияти юзасидан аноним сўровномалар ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, уларнинг 1/3 қисми товар-хомашё биржаси фаолияти билан таниш эмасликларини, ярми фаолият кўрсатаётган савдо майдончаларини билмасликларини, 2/3 қисми савдо майдончалари иш фаолиятидан, 57 фоизи биржа савдоларида тузилган битимларнинг ижросидан қониқмаётганликларини ёки ўз маҳсулотларини биржа орқали сотмаганликларини баён этишди. Шундан келиб чиқиб, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида тадбиркорлик субъектларининг вакиллари билан «давра суҳбатлари» ўтказилди. Жумладан, унда айрим маҳсулотлар сотувнинг чегаралаб қўйилганлиги сабабли юк ташишда қийинчиликлар туғилаётгани, фермерларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тарқатишдаги тартиблар қониқтирмаётганлиги, пилла ипагининг биржа савдоларига чиқарилмаётганлиги, савдо майдончаларини ягона солиқ тўловига ўтказиш ва "тикет"ларнинг амал қилиш муддатини узайтириш каби муаммолар бўйича фикр алмашдилар. Ушбу мулоқотларда уларга мазкур қонун ва соҳага тааллуқли қонуности ҳужжатларининг моҳияти тушунтириб берилди ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда яна бир карра таъкидлаш жоизки, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг талабларига сўзсиз риоя этиш ва уни биржалар фаолияти амалиёти талаблари доирасида такомиллаштириш самарали бозор механизмини тезроқ шакллантиришга, пировардида, иқтисодиётда кичик ва хусусий бизнес, фермер хўжаликлари ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Сурайё АҲМЕДОВА,
Самидилло МАҲМУДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

«Эзгу фикр» телефони эшитади

«Эзгу фикр» телефони (133-59-60) га шундай қўнғироқлар бўлди:

Ҳошимжон МАМАДИСАЕВ,
Учкўприк тумани «Янги Фарғона» газетаси масъул котиби:

«Халқ сўзи»да шу рукн очилгани жуда маъқул. Ўзим гувоҳ бўлган ҳолатлардан келиб чиқиб таклифлар айтмоқчи эдим. Биз томонларда, минг шукр, мева-чева жуда бўлиб берди. Аммо ноз-неъматларнинг, айниқса, ўрикнинг кўп қисми исрофга чиқди. Ҳозир пишиб етилган хурмо нобуд бўлмоқда. Тўғри, иложини қилган тадбиркорлар унча-мунча маҳсулотини четга юборяпти. Лекин бу иш юқори даражада ташкилий йўлга қўйилмаяпти. Шу кунларда экспортнинг камлиги туфайли ўзимизда етиштирилган пиёз ҳам жуда арзонлашиб кетди. Эҳтимол, нарх-навонинг пасайганлиги яхшидир. Лекин деҳқон меҳнати ҳам муносиб рағбат топиши керак.

Яна бир гап. Назаримда, ўзимизда арзон электр энергияси ҳосил қилувчи имкониятлар мавжуд. Хусусан, Сўх сойидан оқиб келадиган сув тунамимизнинг энг юқори нуқтаси — Сариқўрғон қишлоғидан пастликка тушади. Шу жойда электр станцияси қурилса тўғри бўларди, деб ўйлаймиз.

Оллоберган ҚАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳри:

Пойтахтимиздаги янги барпо этилган Кичик ҳалқа йўли аҳоли учун ҳузурижон бўлди. Кенг, равон ва қулай. Лекин ана шу йўлнинг лок-бўёқ заводидан марказий вокзал томон кетган қисмида бир неча йилдан буён троллейбус симлари учун мўлжалланган устунлар ярашмай турибди. Шаҳримиз мутасаддилари шу ҳақда ўйлаб кўрсалар дуруст бўларди.

Нуриддин ШЕРМАТОВ,
Балиқчи тумани Дизинфекция станцияси бош врачи:

Кейинги пайтларда айрим ташкилотлар билан муносабатга киришиш жуда қийин кечаяпти. Нега дейсизми? Ўз хизматимизни тақдим этганимизда баъзи мутасаддилар 10 фоизлик «откат» талаб қилишаяпти. Айримлари бу ҳақда очиқ айтишмайди, лекин ўшасиз иш битмайди. Таклифим: жамоатчилигимизда ана шу ярамас иллатга қарши муҳит яратайлик.

Раъно МАДРАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри:

6 ноябрь оқшомида Ўзбекистон телевидениесида юртимизда телекўрсатувлар йўлга қўйилганлигига эллик йил тўлганлиги муносабати билан жуда яхши видеоролик берилди. Унда ярим аср мобайнида Ўзбекистон телевидениеси қанчалик юксак чўққиларга кўтарилганлиги ҳикоя қилинди. Мен буни ниҳоятда ҳаяжон билан эшитдим. Негаки, ҳали университетнинг тарих факультети учинчи босқич талабаси эканлигимда — 1956 йилда ўз меҳнат фаолиятимни ана шу даргоҳда бошлаганман-да. Қолаверса, Тошкентимиз телевидение ватани эканлигидан ҳамиша фахрланиб келамиз. Бугун 70 ёшга тўлган бўлсам, бояги кўрсатув туфайли қайтадан ёшаргандай бўлдим. Ҳа, эзгулик инсонга ҳамиша қувват бўлиб келган.

Дилнозахон НАЖИМОВА,
Тошкент вилояти Паркент шаҳри:

Халқ фикри билан қизиққанингиз учун ташаккур. Мен ҳали ёшгина қизман. Шундай бўлса-да, тенгдошларимга бир фикрни айтгим келади: ҳамма ҳавас қиладиган Ватанимизни, ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган мустақиллигимизни, миллатимизни буюк келажакка бошлаб бораётган Президентимизни асрайлик.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

САХОВАТЛИ ШОДИ ФЕРМЕР

Ўтиб бораётган Ҳомийлар ва шифокорлар йили, айтиш жоизки, саховатпешалик, ўзаро ёрдам, ўзгалар парваришига муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиш, беморлар дардига малҳам бўлувчи тиббиёт муассасаларининг имкониятларини кенгайтирди. Ҳомийлар ҳиммати билан бир қатор тиббиёт муассасалари замон талаблари асосида таъмирдан чиқарилди.

Депутатнинг амалий ёрдами

Хусусан, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасига қарашли корхоналар Мирзо Улуғбек туманидаги 14-болалар жарроҳлик касалхонаси, шунингдек, мактабларни таъмирлаш, ўқитувчиларни рағбатлантириш ва бошқа хайрли ишларга маблағ ажратиб, ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ш.Муҳаммаджонов ўз сайловчилари — 10-Бўз сайлов округи ҳудудидаги тиббиёт ходимлари, ҳомийлар ва маҳалла фаоллари билан учрашувда бу борада қилинган ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида гапириб берди.

— Бугун шу пайтгача амалга оширилган ишлар хусусида фикрлашиш билан бирга, ҳомийликнинг моҳияти, унинг одамлар мушкулини ечишга қўшган беғараз ҳиссасини ҳар биримиз чин дилдан ҳис этмоғимиз ҳам лозим, — деди депутат ўз сўзида. — Ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда, катта ё кичик бўлсин, атрофдагиларга ёрдам қўлини чўзсак, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшган ва инсонпарварлигимизни амалда исботлаган бўламиз.

Шу ернинг ўзида Мирзо Улуғбек тумани маҳаллаларидаги 54 нафар бемор фуқарога бепул дори-дармон ва касалхонада даволаниш учун йўлланмалар ажратилди.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шоди фермер — дангал йигит. Айтганини бажармаса, сўзининг устидан чиқмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳар куни бошида бир олам ташвиш. Аммо бундан сира зорланмайди. Аксинча, эл-юртга, атрофидагиларга фойдаси тегаётганидан қувонади. Қадрдон даласига янада маҳкамроқ боғланади. Хўжалик аъзоларининг муаммолари билан қизиқади, уларни тезроқ ҳал этиш йўлларини излайди.

— Аломат йигит-да, — дейишади у ҳақда гап очилганда қишлоқдошлари. — Айтган жойидан етти эмас, нақд етмиш ўлчаб кесади. Тантилиги, меҳнатсеварлиги туфайли иши ҳамиша беш.

Шоди Қаршиев Оқдарёнинг Арпа қишлоғидан. У бошчилик қилаётган «Баҳром бобо» фермер хўжалиги 71 гектар майдонда пахта, ғалла, чорва экинлари етиштиради. Яна 2 гектарлик тутзори ҳам бор. 27 бош қорамолга ҳам эга. 10 боши соғин сигир.

Шу йилнинг эрта кўкламида Шоди фермерни шу қишлоқда яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Ғайбулла ота Эргашев хонадони алқади. Фермер бу оилага болали сигир етаклаб борганди, отахон «Эй болам, биринг минг қўшилсин, сендек саховатпеша инсонларни Оллоҳимнинг ўзи қўлласин» дея қўлларини дуога очди.

Орадан кўп ўтмай Шоди фермер тракторчиси Эсиргап Дўстовнинг оилавий аҳволи билан ҳам қизиқди.

— Эсиргап ака, эшитишимча, тўй яқин экан, бизга ҳам бирор хизмат айтарсиз? — гап бошлади фермер.

— Ҳа, шундай ният бор. Худойбердижонни уйлаб қўйишни ўйлаб турибмиз. Лекин бироз қўл калталик қилаяпти-да.

— Буёғидан ташвиш тортманг, ака, топаётган даромадимиз ўртада, тўйни бошлайверинг, етишмаганига мен кафил.

Шоди фермер бошчилигида ўтган бу тўй ҳали-ҳали арпаликлар оғзида.

Дарвоқе, Шоди Қаршиевнинг ишлари юришиб кетган. У барча соҳада мўлжалдагидан юқори натижаларга эришаяпти. Шу йилнинг ўзида фермер хўжалиги 9 кути ипак қурти боқиб, давлатга 761 килограмм пилла топширди. 22 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 84 тоннаси, жумладан, 31 тонна уруғлик ғалла давлатга сотилди. 43 тонна буғдой фермер хўжалиги ишчиларига мукофот тарзида берилди. Қишлоқдаги 8 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 100 килограммдан ғалла ҳадя этилди.

Пахтачиликда эса биринчи теримдаёқ гектаридан 28 центнердан ҳосил олиниб, давлат буюртмаси ортиғи билан уддаланди. Қабул пунктларига мўлжалдаги 96 тонна ўрнига 105,5 тонна биринчи навли «оқ олтин» топширилди. Шоди фермернинг ҳисоб-китобича, мавсум якунида ҳосилдорлик камида 45 центнерни ташкил этади.

— Ғалладан, пахтадан олинадиган даромаднинг асосий қисмини фермер хўжалигимизни ривожлантиришга сарфлаймиз, — дейди Шоди Қаршиев. — Қишлоғимиз ободончилиги, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш эса доимий эътиборимизда бўлади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рустам ҲАЙИТОВ олган сурат.

БОЛАЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури ва мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш давомида 15-16 ноябрь кунлари Тошкентда "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтади. Ундан кўзланган мақсад маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ушбу муҳим соҳани ислоҳ қилиш механизмларини такомиллаштириш, янги ҳамда самарали механизмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуман ташкилотчилари "Sen Yolg`iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болаларни ижтимоий мослаштириш марказидир. Тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси яқиндан ёрдам бермоқда. Анжуманда мазкур соҳада фаолият юритаётган республика ва чет эл мутахассислари, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, "World vision" каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этади.

Бундай нуфузли анжуманнинг ўтказилиши мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантиқий давомидир. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, шунингдек, болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун республикамиз давлат ва жамоат тузилмалари, мазкур масала билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўлга қўйилди.

"Sen Yolg`iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармасидан маълум қилишларича, анжуман давомида болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд тизимини модернизация қилиш, уларни замон воқеликларига мослаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда 2005 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган аввалги анжуман тавсияларига мувофиқ амалга оширилган ишларни муҳокама қилади. Қатнашчилар қонунчиликни такомиллаштириш, тармоқлараро алоқалар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантириш услубларини таҳлил этади. Анжуманда ушбу тизимни бошқаришнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш ва қўллашни ҳисобга олиб, янгича ёндашувлар ҳамда бу тизимни ташкил этиш моделларини жорий этиш йўллари белгиланади. Мураккаб шароитда яшаётган болаларни ижтимоий реабилитация қилишнинг турли шаклларини ривожлантириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва битирувчиларини қўллаб-қувватлашнинг инновация моделлари тақдимоти бўлиб ўтади. Анжуманда халқаро ҳамкорлик ва идоралараро саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни мамлакат миқёсида кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Иштирокчилар секциялардаги муҳокамалар ва ишлар якунлари бўйича болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш борасида тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

«ДУНЁ ОМБУДСМАНЛАРИ» ТЎПЛАМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллиги арафасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан тайёрланган "Дунё омбудсманлари" тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган ушбу тўплам конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги билимларни бойитиш, халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан алоқаларни янада кенгайтириш, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини чуқурлаштириш ва ёшларни тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова бошқарган мазкур тадбирда парламент Омбудсмани институти фаолиятининг узвий қисми аҳоли орасида инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифат йўналишидаги ишларни олиб бориш эканлиги таъкидланди. Бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича материалларни чоп этиш ва тарқатиш муҳим аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан тайёрланган ушбу нашр олтинчи китоб бўлиб, у мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигига бағишланган.

Китобдан омбудсман тузилмалари дунёнинг 120 дан ортиқ давлатида мавжудлиги, ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида миллий ҳамда минтақавий институтлар ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоқлари доирасида фаолият кўрсатаётгани ҳақида билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар шаъфелигида ташкил этилган омбудсманлар ҳам бор. Дунёнинг 50 дан ортиқ давлатида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар ёки шунга ўхшаш органлар муваффақиятли ишламоқда. Демократия шаклларининг турфалиги омбудсманлар фаолияти кўлами ва ихтисослигини кенгайтиришни талаб қилади.

Тақдимот маросимида қайд этилганидек, ушбу тўпламдан Европа, Шимолий ва Жанубий Америкининг 20 дан ортиқ мамлакати, Австралия омбудсманлари, олимлари ва амалиётчиларининг материаллари, шунингдек, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти шакланишининг асосий босқичлари, унинг ҳудудий органлари фаолияти, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни акс эттирувчи тажриба жой олган.

Китобда назарий мақолалар, амалий тажриба тўғрисидаги ахборотдан ташқари Омбудсман ҳақидаги янги қонун, чет эл омбудсманлари, чунончи Россия, Швеция, Озарбойжон, Польша, Литва ва Словакия омбудсманлари билан тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар матнлари ҳам бор.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ASAKA BANK

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

SMS-банкинг

ИШБИЛАРМОН ИНСОНЛАР УЧУН МОБИЛ ХИЗМАТИ

Банк сизнинг мобил телефонингизда



SMS-банкинг

қулай
тез
осон

Батафсил маълумотларни қўйидаги рақамлар орқали олишингиз мумкин:
120-82-88, 120-82-82

Хизматлар лицензияга эга.

«Берлин-Хеми Менарини»
Германия фармацевтика компанияси барча соғлиқни сақлаш ходимларини касб байрами —
Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни
билан чин дилдан муборакбод этади!

Олижаноб меҳнатингиз, сабр-тоқатингиз, эзгу ишингиз, маҳоратингиз ва меҳр-саховатингиз учун катта раҳмат! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, машаққатли меҳнатингизда муваффақиятлар тилаймиз!

BERLIN-CHEMIE
MENARINI

ХАРИДОРЛАР, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 13-15 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги

«Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идорасида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси ва турли мулк шаклидаги тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини 2007 йилда сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, фирмалар, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй, «Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идораси биноси.

Маълумот учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси телефонлари:
139-49-00, 139-48-26, 139-46-03.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси телевидение фахрийси **Анвар ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси назарий физика бўлими мудири, профессор Р. Ярмуҳамедовга акаси, профессор **Ш. ЯРМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси жамоаси Ҳудудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Алишер Саидовга онаси **Саноатхон САИДОВанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ходим Салтанат Сатторовага отаси **Худойберди САТТОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг мутахассиси Сайдулла Шобердиевга падари бузруквори **ШОТЎРА бобонинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси «Тўқимачилик материалшунослиги» кафедрасининг лаборатория мудири Элмира Лайшевага волидан муҳтарамаси **Загида она ИНИЛЕЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Фикр қилсангиз, ҳаёт шундай қурилган экан: кимдир кимнингдир хатосини тўғрилайди. Қайсидир кимса харобага айлантирган боғга кимдир қайта гўзаллик бахш этади. Кимдир вайрон этган кўнгилни кимдир шод этади. Баъзан мушоҳада қиласан киши, агар дунё оқ ва қора нуқталардан иборат бўлмаса, ёмонлик устидан ҳамиша яхшилик ғолиб келмаса, балки умргузаронлик қилмоқдан маъни топмасдик.

Шулар ҳақида ўйлаганимда, бир нарса менга доим тасалли беради: менинг юртимда Эзгулик қувватланади. Меҳр-оқибат туйғулари ҳамиша улуғ саналади. Кези келиб суянч истасанг, жонажон Ўзбекистон ортингда Отанг бўлиб, Онанг бўлиб таянч бўлади.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ТЎЙ...

У КИШИЛАРНИ ЯНА БИР БОР ЭЗГУЛИК САРИ ЧОРЛАДИ

Тошкентдаги Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйида ўсиб-улғайган Гулнорахоннинг шу даргоҳдан «ёр-ёр»лар билан куёв хонадонига узатилиши кўнглимдаги ана шу ззгу ҳисларни яна бир бора тасдиқлагандай бўлди. Бу Ватаннинг қарори шундай; ҳеч бир гули, ғунчасини хазонга бермас. Ушалтирар фарзандларин орзу-ҳавасин, Тўфонларга елкасини тутиб беради. Аламларга ташлаб қўймас оқу қорасин. Чилдирма оҳангига жўр бўлиб куйланаётган тароналар буни қайта ва қайта далиллаб турарди гўё.

Гулнора укаси Ёқуб, сингиллари Муҳаббат, Малика билан Меҳрибонлик уйидан паноҳ топганида ҳали болаликнинг ғўрликларидан йироқлашмаган эди. Айниқса, ота-она меҳрига ташналик уларнинг беғубор нигоҳларига аламнинг синиқ рангини чиза бошлаганди. Лекин ҳукуматимизнинг раҳнамолигида бу даргоҳда камол топаётган болажонларга бўлган эътибор, хизматчи ходимларнинг фидойиликлари хаста дилларини овутгандай бўлди. Кунлар ҳафталарнинг, ҳафталар ойлар, йилларнинг этагидан тутиб, опа-укалар шу даргоҳга кўникишди, муҳаббат қўйишди. Илм ўрганиш баробарида гўзал фазилатларни ўзларида жо этиб, яхшиларга эргашишди. Меҳрибонлик уйида ташкил этилган тўгаракларга қатнаб, ўз қизиқишлари, истеъдодларини тарбият этиб боришди. Гулнора шифокор бўлиш ниятида Й.Охунбобоев номидаги республика тиббиёт, Ёқуб эса автомобиль йўллари коллежига ўқишга киришди. Лекин улар учун бу остона ўша-ўша азиз, энг яқин меҳрибонлари, яқинлари соғинчини шу гўшадан топишади. Айниқса, Гулнора тарбиячиларини, меҳрибонлик уйи директори Матлуба Охунович жуда-жуда яхши кўрарди, қувончу ташвишларини, дарду аламларини улар билан баҳам кўришга ўрганиб қолган. Неки муаммоси бўлса, энг аввало, уларнинг маслаҳати билан ҳал этади. Кун келиб одобу ахлоқи гўзал чеҳрасига ярашгулик

Гулноранинг қалбига ҳам муҳаббат деган туйғу кириб келди. У ана шу даргоҳда ҳайдовчилик қилаётган Ўткирбекка кўнгил қўйди. Икки ёшнинг ғуборсиз севгиларини эъзозлаб, уларнинг оила аталмиш қўрғонни бунёд этишларига кўмаклашувчи бир бош керак эди. Негаки кейинги йилларда йигит ҳам ота-онасидан ажралиб доғда қолган, суянгувчи бир мададкорга муҳтож эди. Қизнинг хатти-ҳаракатлари, кўнгил кечинмаларидан хабардор бўлган Матлуба опа бир куни Гулнорани ёнига чақириб: «Қизим, оила ниҳоятда муқаддас нарса. Яхшилаб ўйлаб кўринглар. Орқамда кимим бор, деб ўксинма. Қиз боланинг «ёр-ёр»лар билан узатилганига не етсин. Биз бор, Ватанинг бор, сени йўқлагувчи. Ўзбекона тўй қиламиз...», — деди меҳр билан.

Ақлли, иболи қиз опанинг гапи маъносини тез англади. Меҳрибонлик уйига совчилар қайта-қайта келавергач, Матлуба опа бўлажак куёвни обдон суриштириб, жамоанинг маслаҳатини олгач, тўйга розилик берди.

* * *

Ўша куни эрталабдан томчилай бошлаган ёмғир тўй авжига чиқа борган сари завқ билан шаррос қуйиб берди. Бу ҳам базми жамшидга ўзгача файз бағишлади гўё. Меҳрибонлик уйи катта тўйхонага айланган. Болажонлар меҳрибон опажонларини кузатмоққа ҳозирланаётганидан меҳмонларни илтифот билан кутиб олишга ҳаракат қилишарди. Келинни узатиш учун алоҳида хона безатилди. У ерда Гулнора ясантусан қилиб дугоналари билан тараддудини кўрарди. Яна бир хона алоҳида куёвни кутиб олиш учун жиҳозланиб, ўзбекнинг сирли чимилдиғи тортилди. Ўзбек хонадонларида қиз узатилишида неки амаллар жоиз бўлса, тарбиячи-мураббиялар барчасини бекаму кўст адо этишди. Бу урфлар бир-биридан гўзал, маънили эдики, уни ҳайрат билан кузатиб ўтирган тарбияланувчи турли миллат вакиллари бўлган болажонлар кўнглида ўзгача меҳр, ҳавас уйғонгани шаксиз. «Демак, оила ана шу гўшангадан бошланмоғи керак. Кўчакўйда топишиб кетиш ўзбек халқига мутлақо ёт. Ўзбекона кийимлар келинчакка қандай ярашиқли...» Тарбиячи опалар қизалоқларга ора-орада шундай дея шивирлаб қўйишар, аслида бу ишораларда ҳам тарбиянинг катта мактаби мужассам эди. «Келин салом» куёвникида айтилса-да, тарбияланувчилар бу одатнням кўриб-билиб қўйишсин, дея шу ўринда бошлаб юборилди:

Тўрга гилам ташлаган,
Ёстиққа ёнбошлаган
Катта отасига салом.

Оқ рўмолни ташлаган,
Дуо билан бошлаган
Катта бувисига салом.

... Шу гулнинг харидори,
Йигитларнинг сардори
Куёв болага салом...

Келинчак эгилиб онажонидек азиз бўлиб қолган Матлуба опаси, тарбиячиси Ҳафиза Рафиқова орқали унинг униб-ўсиб вояга етишида хизмат қилганларнинг барчасига, туғишганларидай меҳрибон укажону сингилжонларига, ота бўлиб нонтуз берган, бошини силаган Ватанига қайта-қайта таъзимлар қилди. Келин янга, тарбиячи Насибахон Ҳасанова гапни гапга улаб, келин саломни келган-кетган ҳаммага етказди. Барча-барчага рўмолчалар улашилди. Қудаларни кутиб олиш базми Меҳрибонлик уйининг катта ошхонасида давом этди. Яқиндагина тандирдан узилган иссиқ патирлар, она замин неъматлари билан тузатилган дастурхонга шоҳона таом — палов тортилди. Бир ёнда чилдирмаю ёр-ёрлар, бир ёнда ёмғир билан ўйнашиб шодлигини юрагига сиғдиролмай саҳнадаги рақсга қўшилаётган болажонларнинг қувончи.

Ҳай-ҳай ўлан,
жон ўлан,
Тўйдир бугун ёр-ёр.
Дўст келиб
душман кетар
Кундир бугун ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб келамиз,
Кимнинг тўйи ёр-ёр?
Оқ гул билан
қизил гул,
Қизнинг тўйи ёр-ёр...

Фотиҳа олдидан куёвнинг бобоси билан акасига қиз томондагилар тўнлар кийгизишди. Куёв жўралар турт-тиниб-суртиниб қизнинг сепини ташишар экан, атлас либослари ўзига ярашиб, бошига дўппи, оппоқ ҳарир рўмол ташлаган келинчак Меҳрибонлик уйи томонга ўгирилиб кўзида ёш билан таъзим қилганида, нечанеча меҳрга, мурувватга муҳтож дилларга бағридан жой берган Онажон даргоҳ яна бир қизининг бахтидан яшнаб кетгандай, чор атрофдаги дарахтларнинг ёмғирда чайинган япроқлари чапак чаларди гўё.

* * *

— Бу тўйга республика Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти бош бўлди. Вазирлик, Тошкент шаҳар, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳокимликлари, саховатпеша юртдошларимиз бош бўлиб, тўёналари билан келишди, — дейди меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Хурсаной Холова. — Ўз қизига шундай дам оқ фотиҳа беришга ярай олмаган ёки дилбандининг орзу-ҳавасини қилиш ўрнига ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган ота-оналар бор. Менимча, бу тўй ана шундай кимсаларни ҳам ўйга толдиради. Хонободлик Ҳалима опа Абдуллаева деган онахон бор. Фермер. У киши ҳар йили тарбияланувчиларимизнинг ҳисоб рақамларига маблағ ўтказади. Гулноранинг тўйини эшитиб, шунақанги кўрпа-тўшаклар тикканларки, кўриб кўзингиз қувонади. Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни тилга олмоқчиман. Кўпчилик «деддомнинг боласи» дея ёвқараш қилади. Бу муносабат маънавий қашшоқликнинг кўриниши деб биламан. Бундайин даргоҳларда ҳам Гулнора Ажимамбетова сингари севиб-севилмоққа арзигулик йигит-қизларимиз кўп. Унутмаслигимиз керак, тақдирнинг шафқатсизлиги ёхуд ота-онанинг хатоси, айби учун ҳеч қачон фарзандлар айбдор эмас.

* * *

... Ўша оқшом Учтепа туманидаги муҳташам тўйхоналардан бирида бошланган базм узоқ давом этди. Ўзбекона анъаналарга кўра қизнинг ортидан меҳрибонлик уйи аҳли йўқловларга боришди. Биз эса тўйлар-тўйларга уланиб, жамики ўғил-қизларимизга, жумладан республикамиздаги барча Меҳрибонлик уйлари фарзандларига ҳам ана шундай ёр-ёрлар насиб этсин, дея ният қиламиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА.
(«Ma'rifat» газетаси, 8 ноябрь).

UZAGROEXPO 2006

2-чи ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

UzAgroExpo 2006

14-16 Ноябрь 2006

Асосий бўлимлар:
- Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозлари
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш жиҳозлари
- Озиқ-овқат саноати жиҳозлари
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари транспортировкаси
- Тупроқ ва ўсимликларга қимёвий воситалар ва ўғитлаш орқали ишлов бериш
- Ўсимликшунослик, узумчилик, боғдорчилик
- Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг селекцион навлари
- Суғурта, лизинг ва молиялаштириш хизматлари

Ўзбекистон, Тошкент, Ўзэкспомарказ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

UzProdTechExpo 2006

Кўргазмага таклиф этамиз!

ProdTechExpo 2006

Ташкилотчи:
International Exhibition Group Uzbekistan
Тел.: (998-71) 138-5982
Тел./Факс: (998-71) 138-5987, 138-5988
E-mail: info@ieguzexpo.com Web: www.ieguzexpo.com

Ташкилий кўмак: «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК

Спорт

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) келаси йили ташкил этиладиган қитъа чемпионатининг саралаш босқичи доирасида бўлиб ўтадиган навбатдаги тур учрашувларини бошқарувчи ҳакамлар рўйхатини эълон қилди.

ҲАКАМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Унга кўра, жорий йилнинг 15 ноябрь куни пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Қатар миллий терма жамоалари учрашувини Бирлашган Араб Амирликларидан келган ҳакамлар бригадаси бошқаради. "F" гуруҳидаги мазкур ўйинда Муҳаммад Ас-Саидий бош ҳакам вазифасини бажаради. Унга ҳамюртлари – Носир Баҳруз Аҳмад, Исо Ғулом ва Муҳаммад Ал-Марзуқий ёрдам беради. Эронлик Ҳасан Ғаффорий комиссар, ҳиндистонлик Мадҳав Суварна эса назоратчи сифатида учрашувни кузатади.

Шунингдек, Осиё футбол конфедерацияси қитъа чемпионатининг саралаш босқичидаги учрашувга ўзбекистонлик ҳакамлар бригадасини ҳам жалб қилди.

ОФК томонидан ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши ҳаками" танловида ғолибликка даъвогарлардан ҳисобланган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов Сингапур ва Фаластин терма жамоалари ўртасидаги учрашувни бошқарадиган бўлди. Ҳамюртимиз бошчилик қиладиган ҳакамлар бригадаси Арслон Ҳотамов, Александр Попов ҳамда ФИФА рефериси Рустам Саидовдан таркиб топган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)



Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t «Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Б. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.15 . 23456